

Ушбу сонда:

2 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ
ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

2-3 «ДЖИНГАУЗ»
Ўхд юртимиздаги биринчи пахта
тозалаш корхонаси тарихидан

4 БАЛАНД
ҚОЯ ЁНИДА



ҲАР БИР ҚАЛБДА Наврўзи олам шукуҳи

Пештоқига Оҳангарон туман «Саховат» уйи, деб ёзилган бино ҳар кунгидан гавжум. Йўлакнинг икки четига ўрнатилган ўриндиқларда ўтирган отахону онахонларнинг юзларида табассум. «Оҳангарондон», «Оҳангаронцемент», Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати кўрсатаётган бегараз ёрдамдан уларнинг кўнглида масрурлик.

«Саховат» уйига бугун Тошкент вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда тизимдаги бир қатор ташкилотлар вакиллари ташриф буюришган. Мақсад, бир оғиз ширин сўз ила қалбларга малҳам бўлиш ҳамда уларни Наврўз айёми билан табриқлашдир.

Дастлаб, бирлашма кенгаши раиси Мухайё Тўлаганова 246 нафар қарияларни умумхалқ байрами билан қутлаб, уларга кимматбахто совғалар топширди. Шундан сўнг касабаси уюшма етакчиларидан Ўқтам Турғунов, Муяссар Исмоилова, Гўзал Тўхтаевалар дил сўзларини ихор эттишти. Бу масканда фидойи,



инсонпарвар кишилар ишлашади. Ким бўлишларидан қатъи назар — шифокорми, ҳамширами уларда инсонга нисбатан меҳр бўлиши зарур. Мана шундай буюк касб эгаларига ҳам касабаси уюшма ташкилотларининг эсдалик совғалари топширилди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялаш тизимини кучайтириш ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида дастур қабул қилганмиз, — дейди Мухайё Тўлаганова. — Унга кўра корхона ва ташкилотларда имзоланаётган жамоа шартномалари орқали кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар ҳамда меҳнат фахрийларига қўшимча имтиёзлар бериляпти. Шу жумладан, вилоятдаги «Саховат» уйи, «Мурувват» катталар интернати, Меҳрибонлик уйлари ва ёрдамчи махсус мактаб-интернатлар кенгашимиз ҳамда вилоят тармоқ касабаси уюшма ташкилотлари томонидан оталиққа олинган. Бугунги тадбир ҳам шулардан биридир.

Даврада куй қўшиққа

Тадбир

улашиб кетди.
Хадича ая Саидова — 106 ёшда:
— Касабаси уюшма ташкилотлари томонидан бизга кўрсатилаётган ёрдам мени ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Ўзимни ёшариб кетгандек ҳис этяпман. Бундай инсонларни биз кечаю кундуз дуо қиламиз.

Марат Баратбоев:
— 13 йилдан бери умр йўлдошим Кумушой билан «Саховат» уйида истиқомат қиляпмиз. Кўриб турганимиздек, озгина еримиз ҳам бор. Дехқончилик қиламиз. Тиббиёт ходимлари ниҳоятда меҳрибон ва хушмуомала. Хомийларнинг навбатдаги ташрифидан бошимиз кўкка этди. Авваламбор эътибор, қолаверса совға-салом учун минг раҳмат.

Раҳимахон Ахророва — «Саховат» уйи бош шифокори:

— Ушбу маскан 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, 255 ўринга мўлжалланган. Қариялар учун бу ерда барча шaroит яратилган. Терапия, жарроҳлик, тиш даволаш хоналари ишлаб турибди. Жорий йилда биномиз тўлиқ таъмирдан чиқарилади. Бунинг учун 900 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати маъмурияти бу хайрли ишни ўз зиммасига олди.

Нима ҳам дердик, саховатли инсонлар қанча кўп бўлса, қалби кемтик инсонлар шунча кам бўлади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Касабаси уюшма спорти

КУРАШ

Тармоқ меҳнаткашларини ҳамжиҳатликка ундади

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши кўчма кубоги учун ўтказилаётган аънанавий IX Республика тармоқ турнири Чирчиқ шаҳридаги «Олимпия заҳиралари» коллежининг спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган соҳа ходимлари куч синашдилар.



— Марказий кенгаш томонидан ўтказилаётган кўчма ва навқирон миллий спортимиз — кураш турнирида иштирок этувчи ишчи-хизматчилар сафининг йилдан-йилга кенгайиб бораётгани жойларда меҳнаткашлар ўртасида спортни ривожлантириш, ишчи-хизматчилар, айниқса, ёшлар ўртасида миллий ватанпарварлик, миллий ғоя тарғиботида спорт орқали ёндошиш масалалари тўғрисида кўйилаётганлигидан далолат беради, — деди Марказий кенгаш раиси Алишер Ғуломов. — Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларнинг ҳар бир бошланғич ташкилот томонидан ўтказилиши ишчи-хизматчиларни маънавий-руҳий тетиклаштириш, меҳнат умумдорлиги, ишлаб чиқариш самардорлигини оширишда катта омил бўлмоқда. Шу боис тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳар бир меҳнат жамоасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Мақсад эса битта — ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш билан бирга уларнинг маънавий-интеллектуал савиясини юксалтириш, спортга ошно этиш орқали саломатликларини мустаҳкамлаб боришдир.


— Республика босқичидаги якуний мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб бўлганидан бениҳоят мамнунман, — деди турнир ғолибларидан бири, Тошкент вилояти жамоаси вакили Шухрат Назаров. — Турнирда ғолиб чиқишимда вилоят босқичидаги тайёргарлик жараёнида тармоқ касабаси уюшмаси томонидан яратиб берилган шарт-шaroитлар асосий омил бўлди.

— Ўзбек кураши қадимдан инсонларни ҳалоллик ва ҳамжиҳатликка, манманликдан ҳоли бўлишга ундаб келган, — сўзбатга қўшилди Қашқадарё вилояти вакили, ғолиб полвон Раҳим Бўриев. — Касабаси уюшмаси томонидан ташкил этилаётган бундай спорт тадбирлари тармоқ ходимлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам бериюқда.

Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, мусобақалардан сўнг ташкил этилган маданий тадбирлар полвонлар қувватига қувват қўшиб, руҳий тетиклаштирди.

Ҳар жиҳатдан намунали ташкил этилган ушбу кураш турнири ўзбек курашнинг янги қирраларини намоён этди, десак муболаға бўлмайди. Тўрт вазн тоифасида гиламга чиққан полвонларнинг 18 ёшдан 35 ёшгача бўлганлари ўртасида биринчилик Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилояти жамоалари полвонларига насиб этди:

73 килограммгача бўлган вазнда Самарқанд вилоятилик полвон Номоз На-



заров, 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида Тошкент вилояти жамоаси вакили Ҳикмат Куртов, 90 килограммгача бўлган вазнда қашқадарёлик полвон Шерали Жўраев, 90 килограммдан юқори вазн тоифасида Тошкент вилоятилик полвон Шухрат Назаровлар ғолиб бўлдилар.

36 ёшдан 45 ёшгача бўлган полвонлар баҳсида бухоролик полвонларнинг қўли баланд келди. 73, 81, 90 килограммгача бўлган беллашуларда худди шу вилоят вакиллари Охун Самандаров, Ҳайрулло Бўринов ва Хўжамурод Остоновлар шохсупани забт этдилар. 90 килограммдан юқори бўлган полвонларнинг энг зўри Тошкент вилояти жамоаси вакили Машраб Мансуров, деб топилди.

46 ёшдан 55 ёшгача бўлган полвонлар беллашувининг 73 килограммгача бўлган вазн тоифасида Сурхондарё вилоятилик полвон Бойқобил Назаров, 81 килограммгача вазн тоифасида Бухоро вилояти жамоаси вакили Сайдулло Исмоилов, 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида Қорақалпоғистон Республикасида Аразбой Давлетмуродов, 90 килограммдан юқори вазнда эса Қашқадарё вилояти полвони Раҳим Бўриевлар пешқадамлик қилдилар.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти жамоаси шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олиб, тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг кўчма кубогини қўлга киритди. Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлиб, тегишли даражадаги диплом ва кубоклар соҳиб бўлдилар.

Мухаббат ЎРМОНБЕКОВА,
ЎзКУФК матбуот котиби

Эътироф ТОМОШАБОП ЭКАН

Хабар берганимиздек, Африка қитъасининг Мадагаскар давлатида кураш бўйича Африка чемпионати бўлиб ўтди. Африка кураш конфедерацияси президенти жаноб Томас Дункернинг Кураш халқаро ассоциацияси бош қароргоҳига хабар қилишича, Мадагаскар кураш федерацияси ушбу чемпионатни ўтказиш учун катта тайёргарлик ишларини олиб борди ва бу б.т.н нуфузли чемпионатлар ўтказишга қодир эканликларини намоён этди.

Мусобақа чоғида Мадагаскар кураш федерацияси давлат томонидан рўйхатдан ўтказилиб, расман тан олинди. Бу эса КХА федерациялари сонини 87 га етказди. Африканинг 20 давлатидан ташриф буюрган 200 га яқин полвонлар кураш мусобақасида ўш омадларини синаб кўришди. Чемпионат олдидан катта экранда

кураш ватани Ўзбекистон, унинг иқлими, табиати ва спорт ҳақида маълумот берувчи «Кураш» фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Бу эса ўз навбатида йирилганларда курашга бўлган қизиқчини янада оширди. Африка конфедерацияси Ҳакамлар ҳайъати директори, халқаро тоифадаги Ҳакам Тедди Рита (Маврикий) раҳбарлигида Ҳакамлар учун семинар ўтказил-

ди. Унда 26 нафар кураш ҳакамлари ҳам иштирок этди. Бу эса африкалик кураш ҳакамлари сонининг орگانини кўрсатиб турибди.

Мусобақалар иккита гиламда бўлиб ўтди ва миллий телеканаллар орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиб борилди. Маҳаллий газеталарда кураш ҳақидаги мақолалар расмлари билан чоп этилди. Журналистлар томонидан берилган саволларга мусобақаларни кузатиб ўтирган мухлислар «Кураш ўта томошабоп экан, шунинг учун бизда бу спорт тури янада қизиқиб уйғотди» дея муносабат билдирганлар.

Тошкент

«МИНОР»ДА СУМАЛАК

«Минор» маҳалласи Юнусобод туманида жойлашган бўлиб, унда 4 минг аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан кўни кеча сумалак сайли ўтказилди.

Байрам дастурхони ёзилиб, меҳмонларга баҳор таомлари, ош ва пиширилқлар тортиқ этилди. Шунингдек, сайда Молия институти, Гули-Сийёх халқ хизмат кўрсатиш шaҳар бошқармаси, Маъданли сув заводи, Валюта биржаси ва туманда фаолият кўрсатаётган автомо-

билларга ёқилги қўйиш шoҳбoчаси қаби ташкилотлар ҳам ўз хомийлик ёрдамлари билан иштирок этишди. «Лазги» ашула ва ракс ансамбли хонандаси Гулимайт Собиров ва бошқа санъаткорларнинг жўшқин куйи, қўшиқлари ва рақслари йирилганлар дилини хушнуд этди. Байрам дастурхонига тор-

тилган ноз-неъматлар ва сумалак тадбирга кела олмаган ногирон ва хаста инсонларнинг уйларига етказиб берилди. Бундай гамҳўрликдан меҳрга муҳтож кишиларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Улар ҳам ўз навбатида дуога қўл очиб, юртимиз тинчлиги, ободлиги, дастурхонимиз тўқин-сочинлигини тилашди.

Ҳасан МАТЎҚУБОВ,
меҳнат фахрийси

Навоий

2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

СТИПЕНДИЯ ЭГАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раёсатининг «Кам таъминланган, иқтидорли, жамоатчи талаба ва ўқувчилар учун 2006-2007 ўқув йилига махсус устам стипендияларни таъсис этиш тўғрисида»ги қарори юзасидан Навоий давлат педагогика институтини ва ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларини тахсил олаётган кам таъминланган, ота-онасиз, ногирон, иқтидорли, жамоатчи талаба ва ўқувчилардан 6 нафарига устам стипендиялар таъсис этилди.

Хатирчи туман Агроиктисодиёт касб-хунар коллежининг 2-курс талабаси Шаҳноза Рўзимуродова, Томди қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи 3-курс талабаси Айгерим Мусаева, Навоий шаҳар академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Элмурод Ариповлар иқтидорли ва жамоатчи талабалар сифатида ўқиш давомида устам стипендиялар оладиган бўлишди.

Ҳ.ФАХРИДДИНОВ,
Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кенгашининг раиси

Сурхондарё

ЭНГ СЎНГГИ РУСУМДА

Жаркўрган туманида замонавий касб-хунар коллежлари сонини яна биттага кўпайди. У «Сурхон» фермер хўжалиқлари уюшмаси ҳудудида қад рoстлаган Иқтисодиёт коллежидир. Айни кунда бу ерда 659 нафар ўқувчи-талаба бухгалтер-аудит, молия, банк иши, солиқ ва солиққа тортиш ихтисослиқлари бўйича билим олишмоқда.

Ушбу коллежни «Сурхонтаъминот» қурилиш бошқармаси қуриб, фойдаланишга топширди. 4 блокдан иборат ўқув биносида 50 ўринга мўлжалланган ётоқхона, ошхона, спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол майдончаси, ёшларни қақирқача тайёрлаш ўқув хонаси, 27 минг нусхадан зиёд китоб жағмармаси бўлган кутубхона мавжуд. Лаборатория хоналари энг сўнги русумдаги ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

Қашқадарё

БУЛОҚЛАР КЎЗ ОЧМОҚДА

«Қашқадарёпармалаш» очик ҳиссадорлик жамияти хазинадорлари мамлакатимиз нефт-газ мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фидойи жамоа воҳанинг Ғузор, Миришкор, Бухоро вилоятининг Олот туманларидаги ўта чуқурликда жойлашган қудуқлардан нефт-газ захираларини қазиб олмақдалар. Яқинда энг замонавий технологиялардан фойдаланиб, Ғузор туманида-

ги Гармистон қишлоғи ҳудудида 3500 метр чуқурликдаги янги қон очилди.

ЯНГИ ТУРАР-ЖОЙЛАР

Қадимий ва ҳамша навқирон Насаф чирой очиб бормоқда. Вилоят марказининг Хонобод кўчасида 36 хонадонга мўлжалланган икки қаватли турар-жой биноси қад кўтармоқда. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 68 миллион сўмлик қулай ва шинам уйлари «Қашқадарё-нефтгазуриши» очик ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул қурувчилари бунёд этишяпти.

И.ИСОМИДИНОВ

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Фонд бозори ўзининг ривожланиш босқичида юқори динамика кўрсаткичлари билан аҳамиятлидир. Охириги тўрт йил мобайнида қимматли қоғозларнинг миллий бозори ҳажми ўсиб бораётганлиги кузатилаётган. Шу билан бирга, ўтган йилда фонд бозори фаол ўсиш даражасига етди. 2003 йилдан бери у ўрта ҳисобда йилга 62 фоизга ўсган бўлса, 2005 йил жорий ҳисобот даврига келиб, корпоратив секторнинг қимматли қоғозлар бозори умумий айланмаси 2,1 мартага ошди ва 342,1 миллиард сўмни ташкил этди.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

Қимматли қоғозлар иқтисодий бозори айланмасининг ўсиш тенденцияси ўрнатилди. Ушбу бўғин бозори айланмаси ўтган йиллар билан солиштирилганда 3,4 мартага ўсиш билан бирга 227,2 миллиард сўмдан иборат бўлди. Бундан умумий бозор айланмалари иқтисодий бозорнинг аҳамиятини даражада ўсиши ҳисобига кўпайганлигини, шу билан бирга муомалада бўлган қимматли қоғозлар ликвидлигининг ўсишини кузатиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида айнан иқтисодий бозор жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасини кўрсатади ва турли соҳалардаги корхоналар инвестиция жозибадорлигининг барометри бўлиб хизмат қилади. Акцияларнинг иқтисодий бозори бевосита иқтисодий ўсишга ва акцияларни самарали мулкдорлар ҳисобига қайта жойлаштириш, корхоналар фаолияти корпоратив бошқарув моделининг мулкчилик нуктаи назардан қатъи назар унинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Шу ўринда қимматли қоғозларнинг иқтисодий бозори ҳажми ўсиш тенденцияларининг юзга келганлигини, инвесторлар билан битимлар тузишда тақомиллашганлигида уюшган бўлишнинг роли ошганлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг асосий мақсадларидан бири — шартномалар тузишда инвесторларнинг вақтлари ва маблағларини тежаш, инвестиция жараёнида юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш ётан маблағларини жалб қилишдан иборат.

М а м л а к а т и м и з Президент Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида етакчи соҳа

Шоира НИГМАТУЛЛАЕВА, Республика Давлат Ресурси мулк кўмитаси матбуот котиби

Касаначилик

ДОИМИЙ ИШ ЎРНИ

оила бюджетида барқарор даромад манбаи бўлиб хизмат қилмоқда

Меҳнат кишисининг доимий иш ўрни билан таъминланганлиги иқтисодий ҳимоянинг асосий омилли саналади. Хусусан, касаначиликнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти беқийёс. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўра, вилоятимизда 3 мингдан ортиқ киши доимий иш ўрни билан таъминланди.

Йирик sanoat корхоналари билан кооперация асосида касаначилик иш ўринлари ташкил этишга дарҳол киришилди. Уларга кўпроқ иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар жалб этилди. Вилоятдаги 39 та йирик sanoat корхоналарида касаначилик ҳаракати кенг қанот эъди. Корхоналар томонидан ходимларга хавфсиз меҳнат шароити яратиб беришга алоҳида эътибор берилляпти. Шунингдек, меҳнатга оид муносабатлар ҳуқуқий тарзда расмийлаштириляпти. Жумладан, меҳнат шартномалари тузилиб, меҳнат дафтаралари юридилмоқда.

Шу ўринда Жиззах шаҳридаги «Зилола-текс» очик турдаги хиссадорлик жамияти фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Бугунги кунда жамоада 110 нафар фуқаро (шундан 75 нафари хотин-қизлар) касаначилик меҳнати билан шуғулланмоқда. Ф. Ҳасанова, М. Хожиматова сингари касаначи хотин-қизлар томонидан бежирим ва сифатли қилиб тикилаётган ўндан ортиқ турдаги болалар, эркаклар ва аёллар устки кийим-кечақлари сифати юқорилиги туфайли ўтган 2006 йил давомида 18 миллион 718,9 минг сўмлик тайёр маҳсулот етказиб берилди. Уларга йил давомида корхона томонидан 1 миллион 843,2 минг сўмлик иш ҳақи тўланди.

Шу сингари ишлар фақат шаҳарда эмас, чекка туманларнинг олис қишлоқларида ҳам йўлга қўйляпти. Масалан, Пахтакор туманидаги «Элита-КК» масъулият чекланган жамиятида 32 та, Фалларол туманидаги «Сангзор-парранда» хусусий корхонасида 16 та, Дуслук туманидаги «Дуслук-Дон» хиссадорлик жамиятида 125 та касаначилик иш ўринлари барпо этилди.

Жойларда ўрта ва кичик корхоналар, оилавий тадбиркорлик субъектлари билан уй меҳнати ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти. Бу билан кам таъминланган оилаларнинг даромадини бевосита касаначилик ёрдамида ўртача 2 — 2,5 баробарга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш, кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилар экан, бу борада касаначиликнинг аҳамияти беқийёс бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳар томонлама қулай уй меҳнати — касаначиликни кенгайтириш борасида янада қулай имкониятлар изланмоқда.

И. ЖАББОРОВ, Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари



ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Фаргона шаҳридаги «Сой бўйи» фермер хўжалиғи ўз фаолиятини дастлаб 60 бош қорамол боқиш билан бошлаган эди. Бугунги кунда хўжалик ўз кучи билан паррандачиликни ҳам йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда 16 минг дона «Беларусь-9» ва «Родонит-2» зотдор товуқлари парваришланмоқда. Улардан бир ойда 30 минг дона тухум ва икки тонна пархез гўшт олинади.

Паррандачиликда маҳсулот етиштириш самарадорлиғи озукага боғлиқ эканини яхши билган хўжалик аъзолари аввало шу ернинг ўзидан озуқани қайта ишлаш ва уни зарур моддалар билан бойитишга алоҳида эътибор бермоқда. Бунинг учун керак қилдорда озлақ базаси яратилиб, омборхона қурилди.

Хўжаликда 20 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йили вилоятдаги фермер хўжалиқлариға ўн минг дона жұжа етказиб берилди. Шунингдек, 11 минг килограммдан зиёд сифатли пархез гўшт ва 132 минг 700 дона тухум сотилган.

Суратда: «Сой бўйи» фермер хўжалиғи ишчиси Нилуфар Қодирова.

М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Азалий бир ҳақиқат бор: ишчиларга ғамхўрлик қилган ташкилот албатта раванк топади. Шу босидан Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг IV Курултойида иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларга мослашиш, янги чаралар билан иш олиб бориш йўллари белгилаб берилди.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида барча тадбирлар комбинат бошқаруви ва касабаси уюшма кўмитаси ўртасида уч йил мuddатга тузилган жамоа шартномасида ўз ақсини топган. Уларнинг барчасида металлургиянинг моддий аҳолини яшилдиш, комбинатнинг ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолиятини ривожлантириш, меҳнат қилиш ҳамда дам олиш учун шароитлар яратиш, шунингдек, маданий-спорт тадбирларининг ўтказилиши намунали тарзда йўлга қўйилган.

Мустақиллик йилларида «Ўзметкомбинат» прокат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи турдош корхоналар ўртасида ўз мавқени сезиларли равишда мустақамлади. Кўп ва сифатли прокат ишлаб чиқариш, техника қуриш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш масалалари муваффақиятли ҳал этиляпти.

Корхонада йилдан йилга маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. 2006 йил якунига кўра металлургия 616 минг 704 тонна пўлат эритиб, 585 минг 670 тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришди. Шу жумладан тоғ-кон sanoat корхоналари учун 127 минг 965 тонна пўлат эриштирилди. 87 миллион 150 минг АҚШ доллари ҳажмида тайёр маҳсулотлар экспорт қилинди.

Ўтган йилда комбинатта 350 киши ишга қабул қилинди. Тошкент Давлат техника университетини ва бошқа институтларни тамомлаган 41 нафар мутахассис ва Бекобод касб техника-иқтисодий коллежининг 53 нафар битирувчилари иш билан таъминланди. Уларнинг ҳаммаси асосий цехларга йўлланиб, мураббийларга бириктирилди. Қадрлар тайёрлаш, малакасини

оширишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1061 нафар мутахассислар комбинат ўқув марказида ўқитилди. Еш мутахассисларнинг меҳнат жамоасига тез кўникма ҳосил қилишлари, касб малакаларини оширишлари учун комбинатда «Ешларнинг энг яхши мураббийси» курик танлови ўтказилмоқда. И. Назаров, Д. Отабоев, Д. Дуслмуродов, Л. Зокирова, Л. Кобалева, А. Алиев, В. Авкелгинлар йил якунига кўра шу номга муносиб топилдилар.

Ишчилар жароҳатланишининг олдини олишда ҳам кўплаб ишлар бажарилляпти. Бунга «Ишлаб чиқариш маҳсулотлари таннарини ҳамда жароҳатланишни камайтириб, самарали меҳнат учун», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши хонакаби курик-танловларни ҳам мисол тариқасида келтириш мумкин. Металлургиянинг махсус иш қийинлари, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашга қатъи эътибор берилмоқда. Ўтган йил шу мақсадда кўплаб махсус иш қийимлари, пойфаллар, шахсий ҳимоя, ювиш воситалари сотиб олинди. Шунингдек, қийимлари ювиш ва таъмирлашни корхона ўз зиммасига олган.

Меҳнат интизомига риоя қилмаётган жавобгарликка тортилётган бўлса, самарали ишлаётганлар тақдирланмоқда. Ўтган йили меҳнатда эришган муваффақиятлари эса хизмат ҳақининг ярим нархи олинмоқда. Жамоа шартномасига кўра собик ишчилар ва металлургиянинг яқин қариндошлари вафоти муносабати билан ёрдам кўрсатилди.

Моддий ёрдам учун комбинат бошқаруви 95 миллион 177 минг

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

Моддий ёрдам учун комбинат бошқаруви 95 миллион 177 минг

эса хизмат ҳақининг ярим нархи олинмоқда. Жамоа шартномасига кўра собик ишчилар ва металлургиянинг яқин қариндошлари вафоти муносабати билан ёрдам кўрсатилди.

Моддий ёрдам учун комбинат бошқаруви 95 миллион 177 минг

эса хизмат ҳақининг ярим нархи олинмоқда. Жамоа шартномасига кўра собик ишчилар ва металлургиянинг яқин қариндошлари вафоти муносабати билан ёрдам кўрсатилди.

Моддий ёрдам учун комбинат бошқаруви 95 миллион 177 минг

эса хизмат ҳақининг ярим нархи олинмоқда. Жамоа шартномасига кўра собик ишчилар ва металлургиянинг яқин қариндошлари вафоти муносабати билан ёрдам кўрсатилди.

Пахта — «оқ олтин» деб рамзий ном олган мўъжизани етиштириш ва қайта ишлаш халқимизга жон билан кирган, десак муболаға бўлмас. Археологик тадқиқотларнинг шохидлик беришича, пахтачилик бизга милоддан аввалги 2000 йилларда кириб келган. Туркистон мамлакатини кураб заминдаги энг қадимги пахтачилик мақсалларидан бири сифатида махсус урдир. Фаргона vodiysiда пахтачилик милоддан аввалги минг йилликда бошланганлиги қадимийносонлик (археологик) тадқиқотлардан маълум. Қадимги Кубо, Косон, Эрши (ҳозирги Мархатта), Тағоб ҳамда Янгиқўрғон (Бувайда тумани маркази) яқинида милоддан аввалги IV-III асрларга оид маконлардан топилган топилдиқлар ичида чигит, пахта толаси ҳамда илгизлама қолдиқлари борлиғи ҳам фикримизнинг далилидир.

Пахтани қайта ишлаш — яъни тозалаш, чигитдан ажратиш, тола ва момик олиш ишлари ҳам пахта экиш билан бир вақтда бошланган. Бу иш жараёни асрлар мобайнида, деярли XIX аср охири — XX аср бошларига қадар ибтидоий усулда амалга оширилиб келинди. Минг йиллар мобайнида пахтани қайта ишлаш чигирин, чарх, девчарх, йиг, савоғич каби содда меҳнат қуроллари воситасида бажариб келинар эди.

МОЗИЙГА САЁҲАТ

...Сунбуланнинг охирилари... Катта бир гўза пайкали. Биринчи терим авжда. Ҳашарчи қиз-жувонлар, эспиринлар пахтага тўлган этакларини қатор ичида қолдириб, янги этак тутиб теримда давом этмоқдалар. Йигитлар этакларини йиғиб келиб, хирмонга пахтани йиғиб ташлаб турибдилар. Ҳовуз бўйидаги ўчоқда гўжа оши миллиллаб қайнаб турибди. Пахтанинг бир қисми қуриган, қанор қопларга жойлаб, жўнатишга тахт қилиб қўймоқдалар.

Нихоят, биринчи терим якунланган, шаҳардан миқоз вофурдуш от араваю, тувлари билан етиб келди. Вофурдуш — улғурчи харид қилувчи савдогардир. У деҳқонлардан ҳосилни кўтарасига сотиб олади-да, шаҳарлик илфурдуш-сохиборларга сотади. Пахта бозоридан қомаш сотиб олган илфурдуш ўз қўрғонига раваона бўлади. Қўрғонда ҳам иш қизғин. Хирмонда қуритилган пахтада барибир намлик катта бўлади. Тупроғи обдон шиббалашиб, зарангдек қотирилган, тозалаш сулуридан майдонда пахта қайтадан қуритилди. Қуритилиб, нами қочирилган пахта «шаббоданаранг» деб аталган мосламга солинади. Шаббоданарангнинг тўғилиши шундай: иккита уч газлик, иккита бир газлик ингичка енгил ёғоч чивик олинди-да, улар тўри тўртбурчак шаклида бир-бирига яшилдиб боғланади. Тўртбурчакнинг икки томониغا ва ўрталарига ёй шаклида ёзилган чивик маҳкамланади. Узиға хос арақ авужда

келади. Ушбу арқага сийрак тўқилган қанор тортилади. Шундай арқадан яна бир донга тайёрлаб қўйилади. Биринчи арқанинг икки учига иккитадан лиқав ва узун арқоқ боғланади. Арқонлар яхшилаб бурлаб-эшилиб, қарама-қарши ўрнатилган икки устун ёки дарахта тортиб боғланади. Сўнгра унга кераклик микдорда қуриган пахта солиниб, унинг устига иккинчи арқа — қопқоқ ёпилади ва бир-бирига боғлаб қўйилади. Дарвоқе, арқа чивикларнинг тўрт бурчига қайишдан даста-имоклар қоқилган бўлади. Қопқоқ ёпилиб, боғлангач, тўрт киши унинг тўрт бурчигадаги даста-имокни ушлаб, тўртталаси бараварига, тез-тез шаббоданарангни пастандан қўрига, юқоридан пахта силкитадилар. Қандайдир ўн-ўн беш дақиқада шаббоданаранг ичидаги пахтанинг чанги ва хас-хасча-уғи сийрак тўқилган қанордан ташқариға чиқиб кетади.

Шундан сўнг ўспирин болалар тозаланган пахтани қўрғоннинг бир четигада олд томони қой-шаблар билан тўсилган айвонга, хотин-қизларга элтиб берадилар. Қўрғоннинг эркаклардан ҳоли ушбу қисмда қиз-жувонлар асосий иш — толани чигитдан ажратиш, чигитнинг момигини олиш, саваш билан машғуллар. Айвон яқинида қизларнинг қалб чашмасидан сирилиб чиқётган гоҳо шодон, гоҳо муғлиги термалар — қўшлар қулқоқ чалинади: Чигиринги айланади, омонёр, Боғчалари бойланади, омонёр, Бой отанинг уйлари, омонёр, Қачон менга уйланади, омонёр, Пахтадан тола булур, омонёр, Кўларимдан жол келур, омонёр, Савоғични етишмай, омонёр, Юракним нолла қилур, омонёр.

Савоғични савоғичи-ё, омонёр, Момининг тарайди-ё, омонёр, Савоғичининг исолидан, омонёр, Кўнглиларни ярайди-ё, омонёр, Толасини чарға бойла, омонёр, Тайригини тоғга тойла, омонёр, Ёрғинангни олдирмагин, омонёр, Этангини маҳкам бойла, омонёр.

Айвоннинг ташқарисида бир тўп қизлар савоғич билан пахта савамоқдалар. Сохибор илфурдушнинг изоҳига кўра, пахтани савашдан қуйидаги мақсадлар кўзда тутилляпти: аввало, пахтадан қолган-қутган чанг кўтарилиб кетадиган, толаннинг чигитдан ажратилиши осонлашадиган ва ниҳоят, толаннинг сифати ошади. Бир неча қиз савалган пахтани чигирин олдига олиб келиб тўқадилар ва чигирин йиг (дук) ёрдамида айланаб, толани чигитдан айира бошлайди. Жараён уч-тўрт марта қайтарилгач, қизлар тола тарозида тортиб қурилади. Хар бир чигирин бир кунда 18 қадқоқ (7-8 кг.) пахтани қайта ишлаши мумкин. Агар тола тўрт тахтадан тўрт бурчак шаклида қилинган исанжакга солиб тойлайдилар. Агар қанорда ташиландиган бўлса, қўл-оёқ воситасида босиб чичайдилар. Чигитлар алоҳида ажратиб қўйилади ва фурсати етган, улардан момик ажратиб олинади. Бунинг учун чигит қанор қопларга солиниб, оғзи мақкам боғланади ва уни икки киши икки четидан ушлаб, худди сабаи тозалангандек, дам олиб-дам олиб узоқ вақт силкитадилар. Силкитиш мобайнида момик чигитдан бир-бир ажраб қолади. Сўнгра уни чигитнинг бошқа бир тури воситасида ишлаб, момик ажратиб оладилар. Хуллас, аждодларимиз бир

неча ўн асрлар мобайнида пахтани шу усулда тозалаб, пахтаи ишлаб келган эканлар. Нафақат Туркистонда, балки, Хўжалиғи пахта экиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам пахтани қайта ишлаш жараёни шунга ўхшаш тарзда эди.

Нихоят, 1793 йилда, Америка Қўшма Штатларида иxtирочи Эли Уитни томонидан тола ажратувчи восита — жин машина яратилди. Бу воқеа пахтани қайта ишлаш sanoatида ҳақиқий инқилоб ўз берганлигидан далолат эди. Аввало, жин машина ҳам бошқа иxtиролар каби катта қаршиликка дуч келди. Бирок, унинг фазилатлари аён бўлгач, бутун жаҳонга шиддат билан таралиб кетди...

Жулуси солисамизнинг ўнунчи санаси мутубоки минг икки юз тўқсон иккинчи хижрия мохи сафарининг ўн учунчиси, ушбу ёрлиғимизни бердук, ҳўқандлик Мирзаҳаким парвоначи бинни Мирзаҳакимгаким, салтанатимизнинг Сарнуфуз арбоби олийи сиз мазкур Мирзаҳаким парвоначи ўрус юртидин жин мошин деб аталатургон дастгоҳлар келтурмиш. Аларни ўрнатиб зобут кўрмоқ учун доруссалтанат Хўқанднинг Қоғозборон мавзеи ақинидин, Улкансўйнинг нахри бўлимиш Анжиррак яқосидин йилгири таноер ер мулки худди холисе хисобирдан берилсун. Хўқанд меҳтари мазкур зобут харажатлари қопланмағуча закот, пули замини, пули оби ва бошқа солуқлар борасида Мирзаҳаким парвоначининг ушбу зобу-

Зобут учун жуда қулай жой танланган эди. Улкансўйдан чиқаришган Анжиррак шў ерда катта нишобликка оқиб, айрим жойларида шаршаралар ҳосил қиларди. Шаршаралар катта чархларар ўрнатишди. Паракнинг узун ва йўғон ўқиға эса энли қайиш тасмалар кийдирилган. Тасмининг бир томони киргоқ яқосиниға қурилган бино ичига қараб кетган. Бино ичига бир-биридан икки ғаз узокликда иккита жин машина ўрнатишди. Қайиш тасмалар жин машинанинг чамбарига кийдирилган.

Терим мавсуми бўлмагани учун парвоначининг пахта саройида утган йил ҳосили бўлимиш тозаланмаган пахтадан бир неча арава олиб келиб, бино ичига фарамлаб қўйилган эди. Зобутнинг сарқори чархларрак олди-

тиға дахл этмасунлар. Маэкур ёрлиқнинг итотига афроди девонхонамиз таъкид ва тақир этдук...»

Хон ёрлиқни тасдиқлаб, муҳр-додға узатди. Муҳрдор уни муҳр-додға узатди. Хон яна ёрлиқни олди-да, ўз қўллари билан Мирзаҳаким парвоначига топширди.

Икки ой ўтар-ўтмас жинхона биноси қурилиб, усқуналар ўрнатишди. Жинхона ишга туширилладиган кун Мирзаҳаким парвоначи шу ернинг ўзида хатми қуръон берди. Алоҳида жой қилиниб, у ерға хон харажатлар, юқори мартабали мансабдорлар тақриф этилдилар. «Кофириннинг дастгоҳи» ишга тушишиға қарши чиқиб, маросимға қатнашшидан бош торган мансабдорлар ҳам бўлди. Хатми қуръон охирилди. Фотиҳа ўқилгач, зобут ишга туширилди. «Зобут» атамаси бу даврга келиб ҳўқандликлар учун нотаниш сўз эмас эди. Зеро, хонликда нефтини қайта ишлайдиган «чироқ ёғи зобути» ҳамда порох ишлаб чиқарадиган «дори зобут» мавжуд эди.

«ХУВАЛ ҒАНИЙ» «Хўқанд салтанатинда Сай-мўд Мўхаммад Худойёрхон сўзү-мўд.

«ХУВАЛ ҒАНИЙ» «Хўқанд салтанатинда Сай-мўд Мўхаммад Худойёрхон сўзү-мўд.

«ХУВАЛ ҒАНИЙ» «Хўқанд салтанатинда Сай-мўд Мўхаммад Худойёрхон сўзү-мўд.

ЧОРТОҚ ТУМАН ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз аҳолиси ҳамда тармоқ меҳнаткашларини Наврўз байрами билан самимий қутлайди.

Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, диёримизни бундан-да гуллатиб-яшнатиш йўлидаги улугвор ишларингизда омад тилайди!



ни чигитга айриб берди. Бу ҳозирги ҳисобда салкам тўрт юз киллограмм дегандир.

Шу тарихда 1292 йил сафар ойининг ўн учинчи кунини, милодий ҳисобда 1875 йил март ойининг ўн саккизинчи кунини Фарғона водийсидаги пахта таниш ва фото ёхуд ксерокопия олиш насиб этмади. Яъни, кутубхона ходимлари «Қўқон хонлигининг тарихи» тўлиқ ҳисобда қайтарилган қисмида мазкур дафтар учрамади.

Жинхона ишга туширилгандан сўнг беш-олти ой ўтгач, Сайид Мухаммад Худоберқон тахдан воз кечди. Хонликда Россия истилочиларига қарши миллий озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Қураш мобайнидаги тўс-тўполонларда Мирзаҳаким парвоначи Россия жосуслари билан айланиб, қўзғолончи Пўлатхон томонидан қатл этилди.

ОЛИМЖОН ҲОЖИНИНГ ЎҒЛИ

САЙИД Мухаммад Худоберқон тахдан воз кечганидан сўнг кўп ўтмай, тахтга у кишининг тўнғич ўғли Насриддинбек ўтирди. Марказий Осиё хонликлари 1850 йиллардан бери ғарб ва шимол томондан ўраб келатган Россия ҳукуматининг, асл мақсади хонликларга тобе бўлган қозоқ даштлари, Етти-сув, Тошкент ҳамда Самарқанд вилоятларини, Орол денгизи бўйлари Россия мамлакатини худудига губерния сифатида қўшиб олиб, ҳар уч хонлик:

рар эди. Қунарни берида у Улкансой соҳили бўйлаб келатган, халқи хунарманда, маърифатли ва тадбиркор бўлган шаҳар, гарчи сийёсий марказлик нуфуздан маҳрум этилган бўлса-да, Туркистон ўлкасининг энг йирик савдо, молия марказларидан бирига айланади. Темир йўл қурилгач эса, у савдо кўламини буйича Туркистонда биринчи, Россия империясининг Осиё қисмида эса тўртинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлади.

XX аср бошларига келиб, Қўқонда 11 та банк, 30 дан зиёд корхона, 100 га яқин турли фирма, ширкат, биродарлик ва бошқа тижорат идоралари мавжуд эди. Россия ҳукумати кутганидек, Туркистон Россиянинг хомашё манбаига айланди. Хомашёнинг асосий қисмини эса пахта ва илак ташкил этар эди. Шу тўғрисида ўлкада, айниқса, Фарғона водийсида пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш сановати катта суръат билан тарқайиб эди. Аср бошларида биргина Қўқон уездининг ўзида 30 дан ортиқ пахта тозалаш заводлари мавжуд эди.

Дастлабки жинхона ёнига яна қўллаб жинхоналар қўшилди. 1881 йилда эса Қўқонда биринчи марта сановат усулидаги йирик пахта тозалаш заводи ака-ука Каминскийлар томонидан қуриб, ишга туширилди.

Халқ ҳар қанча жасорат кўрсатмасин, хонлиқнинг ўша пайтлардаги иқтисодий аҳоли, ҳарбий қудрати ва бошқа омиллар Россиядек йирик давлатга бас келишига имкон бермасди. Нихоят, 1876 йил 19 февралда оқ подшоҳнинг махсус низомига қўра Хўқанд хонлиги тугатилиб, унинг қолган қутган ерлари эминотида Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти таъсис этилди.

Мирзаҳаким парвоначининг ҳалокатидан кейин унинг ўғли Мирзакарим отасининг омон қолган барча мулкларини, шу жумладан, жинхонани ҳам арзон-гаровга сотиб, Тошкентга қўчиб кетди.

Хонлик тугатилгач, рус маъмурулари вилоят маркази учун Марғилон шаҳри яқинида, Янги Марғилон (кейинроқ Скобелев, ҳозирги Фарғона) шаҳрини қурадилар. 167 йил хонлик пойтахти бўлиб турган Хўқанд латиф эндиликда атиги Қўқон уезди маркази бўлиб қолади. Бироқ, қадимги савдо йўли ва

ҳаким парвоначининг қўлдан-қўлга ўтиб келатган жинхонасини ўз ўғли Мирсолиҳ бойвачча номига сотиб олади. Мирсолиҳ бойвачча халқда «Солиҳон бойвачча» ҳамда «Олимжон хожи ўғли» деган ном билан машҳур эдики, бу сўнги ном водийда саҳийлик, қўли очиклик, тантилик тимсоли бўлиб кетган. Бу инсон ҳақида турли латифалар халқ орасида кенг тарқалган.

Бундай латифаларни қўллаб келтириш мумкин. Қуйида эса бойваччанинг қалати табиғатида оид яна бир воқеани диққатингизга ҳавола қиламиз:

Думага сайловлар яқинлашиб қолган вақтлар эди. Олимжон хожи ўғли: «Шу думасини ҳам бир кўрайлик-чи», деб ўз номзодини рўйхатдан ўтказиб қўйди. Иттифоқ, Қўқонга Петербургдан юқори мартабали мўхмон-сенатор Константин Романовский келатганлиги ҳақида хабар чиқиб қолди. Бойвачча мўхмоннинг қачон, қайси поездда келишини аниқ билиб олиб, шу кунни шаҳардаги барча извошлар (қоляска, файту каби қирақаш аравалар)ни банд қилиб қўйди. Яъни извошчиларни тўпалаб, уларни бир кунда топадиган даромадини ўч хисса қилиб тўлади ва шундай шарт қўйди: «Шу бугун мендан бошқа одамга хизмат қилмайсизлар. Агар бирор киши сизларга катта пул ваъда қилса, менга келинлар, ўша ваъда қилинганга нисбатан икки баравар кўп тўлайман. Шу бугун кечқурун поезд келадиган пайтда темир йўл бекати майдонига тўпланиб, мени кутинглар...» Бойвачча ҳатто ҳокимнинг файтуни ҳам ёллаб олди.

Хуллас, кечқурун шаҳарнинг барча қазо-қазолари атоқли мўхмонни кутиб олишга чиқдилар. Поезд етиб келди. Мўхмонни барча бой ва амалдорлар ўз уйига олиб кетишни орозу қилиб, таллашиб кетдилар. Бироқ ҳеч ким, ҳатто ҳоким ҳам бекат майдонига қирақашларга тўлиб ётган бўлса-да, мўхмоннинг олиб кетишга извош топа олмади. Шундан сўнг Солиҳон бойвачча бир имо қилган эди, барча извошлар бекат биноси олдига қатор тизилдилар. Бойвачча мўхмонни энг ҳашаматли

Ўзбекистон — Ватаним маним

извошга ўтказди. Қолган извошлар олдинга, орқа томонларга ва икки ёнларига тизилиб турдилар. Бойвачча ана шундай катта қарвон билан мўхмонни бир шаҳар айлантириб, Ойдин-булоқдаги чорбоғига олиб кетди. Шундан сўнг, кўп ўтмай Солиҳонбойвачча думага сайланди.

«Энди яна жинхона тарихи қайтсак. Олимжон хожи жинхонани сотиб олганидан сўнг унинг инон-ихтиёрини Солиҳонбойвачча тасарруфига қўйиб берди. Лекин, бойваччанинги ишни зимдан кузатиб борди. Бойвачча ишни жинхонани кенгайтиришдан бошлади. Иккита янги жин машина, исканжа (пресс) келтириб ўрнатилди. Бино таъмирланди. Корандалар сафи қирқ нафардан оширилди.

1894 йилда яна иккита жин машина, битта исканжа келтирилиб, жинхона биноси кенгайтирилди, тайёр маҳсулот ҳамда хомашё учун алоҳида омборлар, қоранда ва усталар учун ошхона қурилди.

Қоранда ва усталар сони олтинми нафарга етиб, жинхона ўз-ўзидан завод ҳолига келиб қолди. Олимжон хожи хондонни тасарруфидан яна олтига жинхона бўлиб, ишлаб чиқариш маҳсулот—тола ва момиқ ҳажми бир мавсумда бир эшелонни ташкил этадиган даражага етди. Закасний темир йўлининг Фарғона тармоғи қурилгунга қадар маҳсулот от арава ҳамда тузлар қарвони воқитида Ховосгача олиб борилар, у ерда алоҳида отларга юкланиб, Россияга жўнатиларди. Россияда кўп марта бўлган Солиҳонбойвачча Орехово-Зуево мануфактураси билан шартнома тузиб келган эди. 1896 йили чиқарилган ҳисоботлар, чунончи Фарғона вилоят статистика бюроси ахборотларида Қўқонда тўртта пахта тозалаш заводи мавжудлиги қайд этилиб, заводчилар рўйхатида Мирсолиҳбой Мирзоимхожи ўғли Мухаммадҷонов

номи ҳам ёзилган. Қунарни берида Солиҳонбойваччанин Чорсудаги идорасига паранжи ёпинган бир аёл кириб келди. У бир амаллаб салом берди-да, сўзини сўзлай олмай, йилгайверди.

— Сиздан нажот сўраб келдим, бой ота,

— Нима ёрдам керак. Тортинмай айтаверинг.

— Болаларнинг дудаси сизнинг пахта зобутингизда ишлар эдилар. Буноқи йили вафот этганлар. Сизнинг ёрдамингиз билан жойига қўйдик. Биздан қайтмаса, Худодан қайтсин. У кишидан етти ўғил, икки қиз қолган. Иккита катта ўғлим яқинда сизнинг зобутингизга ишга киришди. Учта каттаси уйланиш ёшида. Уларни уйлай десам, кўр-кутим йўқ. Ўғилларим энди ишга тушди. Бир марта симкор олинди, холос. «Хўжа» йиннинг қўли очик, етимпарвар одам, ёрдам сўранглар» десам, «Эндигина ишга кирдик, қайси бет билан ёрдам сўраймиз» деб унашмапти.

— Яъни, опа. Сиз учта келиннинг ҳаракатини қилверинг, иложи бўлса, опа-сингилларни изланг... Шу тарихда, она ҳам, бойвачча ҳам ўзларинча ҳаракатга тушиб кетдилар! Бойвачча зобутга яқин қатагон маҳалласидан бўш жой топиб, ака-укалар номига васика қилдириб, икки ўй, бир даҳлиздан учта ҳовли солдилар. Ўзлари бош бўлиб, бир кунда тўйни ўтказдилар.

Бундай воқеалар Олимжон хондонни учун оддий бир кундай ишлардан эди. Шундай хайрли ишлари учун, мана бир аср ўтган бўлса ҳам, ҳамон қўқонликлар бу хондонни катта ҳурмат, завқ-шавқ билан тилга, ёдга оладилар.

Иштироки **ҲАКИМОВ, «Қўқон 2-пахта тозалаш» корхонаси раҳбари, Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири**

(Давоми бор)

ёхуд юртимиздаги биринчи пахта тозалаш корхонаси тарихидан

Кўқон ва Хива хонликлари ҳамда Бухоро амирлигини жаҳон жамоатчилигининг назари учун ярим мустамлака сифатида тўтиб туриш эди. Россия Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги тимсолида бу мақсадига эришди. Бироқ, Кўқон хонлигида миллий озодлик ҳаракати шу даражада авж олдики, оқ подшо бу хонлиқни ҳатто ярим мустамлака ҳолатида ҳам ушлаб туриш мумкин эмаслигини англаб етди ва хонлиқни бутунлай бекор қилиб, унинг худудини тамоман Россияга қўшиб олишга қарор қилди. Ҳозир Кўқонда бир вақтлар тўққиз кун хонлик тахтида ўтирган «Муродхоннинг ўғли Пўлатхон» деб эълон қилган мулла Исҳоқ Мусулмонқулнинг ўғли Абдурахмон Офтобачи, Мулла Исо авлиё миллий озодлик ҳаракати раҳбарлик қилдилар. Кейинроқ Насриддинбек ҳам оқ подшога қарши ҳаракат бошлади. Озодлик ҳаракати иштирокчиларидан Саримсоқ эшиқогаси ўз дастаси билан Қўқон яқинида жанг олиб бо-

ҚЎҚОН БОЙЛАРИ

Хўқанд ўзининг нафақат латифлиги, адабий муҳити, иқтисодий нуфузи, маънавий қудрати, балки машҳур бойлари билан ҳам шўҳрат қозongan эди. Қўқон хонлиги даврида бу ерда хонларга қарз бериб туришгача қуввати етадиган йирик бойлар бор эди. Улардан бири, шубҳасиз, халқ тилида «Олимжон хожи» номи билан машҳур бўлган Мирзоимхожи Мухаммадҷоновдир. Олимжон хожи ҳисобсиз бойлиги билан биргалликда, муруввати, одамийлиги, хайр-саховати, етимпарварлиги, маърифатпарварлиги ва бошқа фазилатлари билан машҳур бўлган. Олимжон хожи Мирза-

Хар бир ота-она фарзанднинг соғлом ва жисмоний баркамол бўлиб вояга етишини, жамиятда ўз ўрнини топишини истайди. Бугунги кунда нафақат ички, балки халқаро мусобақаларга ҳам бағрини очётган Қашқадарё воқеасида ёш авлоднинг спорт билан шугулланишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

— Асосий вазифамиз болаларда спортга кизиқиш ва меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавий ва жисмоний баркамолликка эришиш, уларни Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз эл-юрти учун гурур-ифтихор руҳида тарбиялашдан иборат, — дейди Халқ таълими вазирлиги хузурида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қашқадарё вило-

ят филиали директори, кураш бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони Баҳром Авазов. — Айни пайтда за-

КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

монавий мажмуалар тармоғини яратиш, уларни керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш, болалар ўртасида мусобақалар ташкил этиш, икитдорли ёшларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

Вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида жамғарма ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан Ғузор туманидаги «Чанок», Шахрисабздаги «Чоршанбе», Қамашдаги «Чим», Китоб-

Болалар спорти

даги «Сариосиё», Миришкордаги «Авазўл», Жейнов, Касбидаги Алишер Навоий, Шароф Рашидов номи, Косондаги «Гувалак» каби ўттизга яқин кишлоқда қадрослаган спорт мажмуалари ўз бағрига минглаб ўғил-қизларни чорлади.

мўлжалланаяпти. Бу йил Миришкор туманининг «Чандир», Муборакнинг «Кўҳна Муборак», Шахрисабзнинг «Оммагон», Яккабоғнинг «Нўғайли», Чирочки туманининг «Зум» кишлоқларида янги спорт заллари қад ростлайди. Қуриладиган мажмуаларнинг умумий қиймати 2 миллиард 365,2 миллион сўмини ташкил этади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 104,6 миллион сўм маблағ сарфланиб, 22 та мактаб қошида янги иншоотлар қуриб битказилди. Қарши шахрининг 2-митти туманидаги спорт майдончаси қайтадан таъмирланиб, янги мажмуага айлантирилди.

Спорт иншоотларининг кўпаяётганлиги Ватанимиз келажаги бўлиши ёш авлоднинг соғлом ва етук улғайиши учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Овчи ҳикояларидан



БАЛАНА ҚОЯ ЁНИДА

Адхам амаки ов тадоригини кўраркан, қордек оппоқ, қулоқ сурралари ўсик жун билан қопланган Тўртқўз эркаланиб суйқала бошлади. Зийрак ва ақли жонивор кўринишидан беҳушов ва ғалати бўлса-да, «боши билан ишлаб» бекордан-бекорга ортиқча кўч сарфламас, ўнқир-чўнқир ва айланма жойлардан ҳам гавдасининг мустаҳкам ва ихчамлигидан қайишқоқлик билан ўтиб, улжа-сидни ғафлатда қолдира оларди. Ана шунда Адхам амаки чўлдаги қозоқ биродаридан уни битта гунажинга алмаштириб олиб, хато қилмаганидан қувониб кўярди. Хар гал қош қорайган, Тўртқўз одатдагидек оёдан сўнг тилини бир қарич чиқариб ҳовлига биринчилардан кириб келар, сапчиб-ирғишлаб ўзини қўйрага жи тополмасди. Буни қараганки, ов бароридан келган кунлари иштаҳаси ҳам қарнай бўлиб кетар, ялогидаги овқатни паққос туширарди. Ов юришмай қолган кезлари у мунгайиб тепалиқдан бери келмас, сим тўр билан ўралган каттагига киргиси йўқ, қорни таталаб туришига қарамай, суяк ва нон булақларига ҳам қия бۆқмасди. Кўпинча ўчоққа олов ёқилганида Тўртқўз қозонда нима борлигини ўзқандок сезиб турар, айниқса, гўшт осилиб, хамирли таом пиширилаётганида ялогига қарамасди. Шунда овчи тозисининг бошини силаб, эркалаб ўзининг овқатидан беришни унутмасди. Лекин тиниб-тинчимас жониворнинг ёзилги дастурхонга қўз ола қилмаслиги ва яқинига йўла-маслиги овчинини ҳайратлантирарди. Фақат битта феъли чатоқ эди, ҳовлига қадам ранжидан қилган бегона одамлар билан иши бўлмас, ақалли ақиллаб хўрмасди ҳам.

Илик баҳор кунларининг бирида Адхам амаки този болаларининг ғингшиганини айтиб, севинганидан терисига сиймай кетди. Улар жами тўртта бўлиб, бири қордек оппоқ ва чиройли, қолганлари эса кўкмири-қора тусда эди. Мурғак жониворлар бир ҳафтадан кейингина қўларини очиб она меҳридан қониб, кўндан-кўн улғая бошладилар. Она този ҳам ялаб-юлаб болаларини ёмон қўлардан қизғанар, улар ёнидан бир қадам ҳам нари жилмасди. Баъзи-баъзида уй мушуклари билан даҳанак «жанг» ҳам бўлиб турарди.

Орадан уч ой вақт ўтиб този болалари анча буйга тортиб, ўзларини қатталардек ҳис эта бошлади. Бинобарин, бу вақтда улар вояга етган ҳисобланиб она този билан овга чиққанларида кутмаган тўқнашуларга дуч келиб қолишарди. Кенг ва поёнсиз чўлу биебонларда ўлжани қомига илтиришида нигоҳларини керакли томонга қаратолмаганлиги ҳамда ўйинқароқ ва бўшанглигидан тумшук ва оёқларидан жароҳат олишарди. Тажрибасизлигидан ўлжани қочириб, доғда қолган пайтлари ҳам буларди.

Вақт ўтиши билан този болалари ўзларини тўтиб олишди ва Тўртқўзнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб боришди. Эгчил ҳаракатланиб рақибини бежато тузоққа

илтириш пайида бўлиш қўниқмаларини ағалдай бошлади. Тўзи бўйи ёққан қордан сўнг табиат оппоқ поёндога бурканиб ўзгача гўзаллик бахш этган. Кенг ва бепоён тақир далада зог ҳам уммасди. Чўл ичкарисига кириб борган сайин осудалик сезиларди. Қуёш бўй қўрсатганда Тўртқўз баланд тепалик ортидан ўлжасининг хидини олиб тўхтаб қолди ва тумшугини баландга кўтарганича теваарак-атрофига қаради. Кейин эмалганича рақибининг олдини тўсишга чоғланди. Лекин бу жойларнинг паст-баландлини яқини биладиган айёр тулки жуфтаки ростлаб, қочиб қолди. Унинг қизил жуни қўшда товланиб ёнар, узун думи қорда судралиб борарди. Бўм-бўш далада қорин тўйдириш мушкул.

Адхам амакининг имо-ишорасидан сўнг този болалари рақибини уч тарафдан қувлашга тушиб кетишди. Саман қашқада ўзи улар ортидан изма-из борарди. Қўтилмаганда баланд қоя ёнидан тозиларни чапғитмоқчи бўлибми, бир жуфт тулки чиқиб қолди. Този болалари уларни қувлаганича ҳар ёққа тарқалиб кетишди. Аммо она този ўзи қувлаб келаётган рақибини бир дам ҳам кўздан қочирмас, нафис ва чиройли чопиши билан ёнидагилардан ажралиб турарди. Ниҳоят, жарликка яқинлашганларида тамоман ҳолдан тойдан икки рақиб бир-бирларига бир паст тикилишиб, нафасларини ростлаб, яна қувламоқ «ўйинини» давом эттиришди. Охири айёр махлук тизза бўйи қалин қорға ботиб қолди. Овчи етиб келганида Тўртқўз ўлжасининг тўшидан, рақиб эса тозанин олд оёқ панжаларидан тишлаб, бир-бирларига қаҳр-ғазаб билан тикилиб турардилар. Шунда Адхам амаки қамчисининг дастасини ишга солиб, тулки жағларини ажратгач, ўлжа қўлга олинди.

Бирок қўза кунда эмас, кунда синидаи деганлари рост экан. Пешиндан сўнг сой эстагидаги Тўртқўз канални ёқасида сакраб-ирғишлаб юрган қулранг тулкига қўзи тушган Тўртқўз даб-дурдустдан уни қувлашга тушди. Махлук эса йўлини тақир дала томон буриб яқкам-дукмак учраган саксовул ва юлғинзорлар ора-лаб яна жарликка яқинлашди. Овчи қўлидаги милтиги билан нима қиларини билолмай, хангу-манг бўлиб қолди. Бу воқеа қўз очиб юмғунча бир лаҳзада рўй берди. Тўртқўз чангалга илинишга бир баҳя қолганида айёр тулки думини буриб чап бериб кетди. Унинг ортидан шамолдек учиб келаётган Тўртқўз ўзини тўхтата олмай, қирғоққа урилиб, ўмбалоқ ошиб, терак бўйи чўқуриққада жарга тушиб кетди.

Мана, ўша воқеага ҳам уч-тўрт ой бўлди. Эгчил ва тиниб-тинчимас Тўртқўз белидан оғир жароҳатланиб, овга ярамай қолди. Садоқатли тозисига ўрганиб қолган Адхам амакининг ҳали-хануз қўли ишга бормайди. Ўша кун қизик-қонлик билан Тўртқўз канални яқинида ов қилиб хатолликка йўл қўйганлигидан овчи азият чекади. Аммо энди фойдасиз эди.

Абдулла САИДОВ



НАСИЛ РУБЕРИДА, ЛАМИНАТА
И КОВРОЛАНА С МАТЕРИАЛОМ.
Ф/о Лобан.

Тел: 340-99-37

ХОРИЖ ХАНДАЛАРИ

Икки ўртоқ учрашиб қолишди:

— Қўралаб будилникнинг овозини эшитганимда худди мени отишгандай туюлади, — деди улардан бири.
— Сен ўрингдан ирғиб турасанми?
— Йўқ, улганга ўхша-а-аб ётаман.

— Доим мўнга янги пальто сотиб олайлик, деб сендан илтимос қилганимда, ҳамиша бир хил жавоб оламман, — деди хотин эрига.
— Чунки сен доимо бир хил нарсани илтимос қилсан-да, — деди эри.

Доминика имтиҳондан қўли боғланган ҳолда қайтди.
— Қалай, ҳайдовчи гувоҳномасига имтиҳон топшира олдингми?
— Билмадим, инструкторимиз ҳали касалхонада.

Омонулла АБДУСАЛОМОВ,
Андижон Давлат Тиббиёт институти ассистенти,
маънавият маркази услубчиси

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи
масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51. Факс: (8-371) 276-97-40

БИЛГАН ЯХШИ

Ер қуррасидаги қуруқликнинг ҳар бир квадрат километрга тўғри келади қанча ҳашоратлар сови бугун планетамизда яшайдиган кишилар сонидан ортиқдир.

Ироқ археологлари ёзувли кесак тахтачалар топди. Улардан маълум бўлишди, Пифагор туғилмасдан 1500 йил илгари ҳам номаълум математиклар масалаларни ечиш учун «катетларнинг квадратлари йиғиндисига гипотенузанинг квадратига баробар» деган теоремадан фойдаланган эканлар.

Кейинги 80 йил ичида Урта ер денгиздаги Корсика ороли Шарқ томонга 10-12 километр силжиди.
Акбар АЛИЕВ тайёрлади

ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Келажак авлодни камол топтиришда фидойилик
кўрсатаётган соҳа ходимларини, уларни қўллаб-
қувватлашда ҳамкорлик ва мададкорлик қилаётган
меҳнат жамоалари ҳамда серҳиммат тадбиркэрларни
янгилашиш ва яшариш айёми —
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан қизғин муборакбод этади.
Халқимизга ҳамиша баҳорий кайфият йўлдош бўлсин!
Байрам муборак, азизлар!*

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси



БОШ МУҲАРРИР

Абдухолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати:

Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулв Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндик Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғулмоқир Юсупов

Бизга кўнғирок
қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари
ҳаёти бўлими:
153-87-63

Хуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими:
153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий
сўбсат бўлими:
153-87-74

Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт
бўлими:
153-82-79

Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш бўлими:
153-85-43

Реклама ва эълонлар
бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134

E-mail:
ishonch_doverle4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба,
пайшанба ва
шанба кунлари
чиқади.

Навбатчи котиб -
А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир -
Ғ.Юсупов
Навбатчи - М.Мўминова
Мусахҳач - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский

«Шарқ» наشريёт-
матбаа акциядорлик
компанияси
босмаҳонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0116-рақам билан
руйхатга олинган.

IBM компьютерда
терияди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда.

Боснига топшириш
вақти - 21.00.
Топширилди - 19.20

Буюртма Г — 214

Тиражи: 19219